



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Самарқанд ҲЭТК” АЖ**

Борш директори в.б.

С.Шомуратов

“ ” “ ” 2022 й.

**Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича  
ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Самарқанд вилояти худудида махсус транспорт хизмати**

**Самарқанд -2022 йил**

## **Самарқанд 2022 йил**

### **Танлов ҳужжатларининг маъзмуни**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТА ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

**1. Танлов предмети:** Самарқанд вилоятида маҳсус транспорти ( темир-бетон таянчларини ташиш ) хизмати

1.1 Танловнинг юқори қиймати КҶС билан 280 000 000 (*икки юз саксон миллион*) сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.

1.2 Хизмат бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

1.3 Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 150 календар кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати 30 фоиз миқдордаги аванс маблағи ўтказилган кундан бошланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ.**

2.1. “Самарқанд ҲЭТК” АЖ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)- танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гагарин кучаси, 151-уй.

Эл.адрес: [samhet@umail.uz](mailto:samhet@umail.uz)

2.2. Танлов "Самарқанд ҲЭТК" АЖ Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ.**

3.1. Таклиф этилган шартлар бўйича тендерда мурожаат билан маҳаллий ва ҳорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Икки ёки ундан ортиқ пурратчи ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш оркали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.

3.2. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.3. Иштирокчи айланма маблаглари мавжудлиги ҳакидаги банк тасдиқлаган маълумотнома агар мавжуд булмаса банк кафиллигини тақдим этади.

3.4. Иштирокчи ташкилотларнинг таъсисчилари. Шаклни тўлдиришда хўжалик юритувчи субъектларнинг таъсисчиларини кўрсатиш шарт. Хўжалик юритувчи субъектларнинг тасисчиларида ўзгарганлиги мавжуд бўлса тасисчиларни охирги ўзгарганлигини кўрсатиши ҳамда охирги ўзгаришни нотариал тасдиқланганлигини тақдим қилиниши шарт. Шунингдек, тендерда қатнашаётган хўжалик юритувчи субъектнинг бирор бир ташкилотнинг филиали ёки филиаллари мавжуд эканлиги тўғрисида маълумотлар киритилиши шарт.

3.5. Танлов иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар. Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустакил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳакикатда мавжудлиги, уларнинг иш стажи ва маълумотини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт.

3.6. Танлов иштирокчисининг охирги уч йилдаги молиявий ахволи. Шаклда иштирокчи аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳакидаги хulosалар (баланс ҳисоботлар)нинг тасдиқланган нусхаларини илова қилишга мажбур.

3.7. Иштирокчи ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизmlари рўйхати. Агар бошка холат курсатилмаган булса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизmlардан фойдаланшига рўхсат этилади.

3.8. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) буйича маълумот.

3.9. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тугрисидаги хужжатларнинг нусхалари.

3.10. Юкорида суралган шакллар ва хужжатларга иштирокчи курсатилган тасдиқловчи хужжатларни илова қилиши керак.

3.11. Қуйидаги иштирокчиларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар, мол-мулки мусодарага олинган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон куринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кура ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан куйилган техник талабларини ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда ташлаган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4 Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади
- Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.5 Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулиқ жавобгар булади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## 5.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва унинг маҳфийлигини, ошкоралигини таъминлаши асосланган қарор қабул қилиш буйича маъсул;

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва туғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбур.

КЕЛИШИЛДИ:

Харид комиссия аъзолари:

У.Исакулов

Харид комиссия аъзолари:

А.Шукuroв

Харид комиссия аъзолари:

Ф.Акрамов

Харид комиссия аъзолари:

Д.Отамуродов

Харид комиссия аъзолари:

Ф.Кулдашева

Харид комиссия аъзолари:

И.Саматов

Харид комиссия аъзолари:

З.Бабанов